


Илмий статус маълумотларини бошқариш

Илмий статусни киритиш

Илмий статусни киритиш тизим ойнасининг **Xodimlar/Ilmiy status** менюси орқали амалга оширилади (1-расм).




1-расм. Илмий статусни киритиш тизим ойнаси

Илмий статусни киритиш учун **+Statusni kiritish** тугмасини танланг. Натижада илмий статус маълумотларини шакллантириш ойнаси пайдо бўлади (2-расм). Маълумотларни шакллантириш ойнасида қуйидаги амалларни бажаринг:


- **O'quv yili** майдонидан ўқув йилини танланг;
- **Xodim** майдонидан ходимни танланг;
- **Shifr** майдонидан шифрни танланг;
- **Mutaxassislik nomi** майдонига мутахассисликни киритинг;
- **Davlat** майдонидан давлатни танланг;
- **OTM** майдонига ОТМни киритинг;
- **Diplom turi** майдонидан диплом турини танланг;
- **Ilmiy unvon** майдонидан илмий унвон турини танланг;
- **Ilmiy kengash raqami** майдонига илмий кенгаш рақамини киритинг;
- **Diplom raqami** майдонига диплом рақамини киритинг;
- **Diplom sanasi** майдонидан санани танланг;
- **OAK tasdiq sanasi** майдонидан санани танланг.

Барча маълумотлар шакллантирилгандан сўнг **Saqlash** тугмасини танланг. Натижада маълумотлар сақланади (2-расм).



2-расм. Илмий статус маълумотларини шакллантириш

Илмий статус маълумотлари шаклланган ўқитувчилар рўйхатини кўриш тизим ойнасининг **Xodimlar/Ilmiy status** менюси орқали амалга оширилади (3-расм).



#	Xodim	Diplom turi	Davlat	Diplom raqami	Ilmiy kengash raqami
1	ELOV JAMSHID BEKMURADOVICH 9991811002	Ilmiy unvon 2021-2022 / Dotsent	O'zbekiston Toshkent axborot texnologiyalari universiteti	04 №3456346256 07.10.2021	DSC 007.15.60000 06.10.2021

3-расм. Илмий статус маълумотлари шаклланган ўқитувчилар рўйхати

Илмий статус маълумотларини тахрирлаш

Илмий статус маълумотларини тахрирлаш учун ўқитувчилар рўйхатидан ўқитувчини танланг. Натижада ўқитувчининг илмий статус маълумотларини шаклланган ойна пайдо бўлади (2-расм).

Ўқитувчининг илмий статус маълумотларини шаклланган ойнасидан бирор бир тахрирлаш амалини бажаринг ва **Saqlash** тугмаси танлаш орқали маълумотларини сақланг.

Илмий статус маълумотларини ўчириш

Илмий статус маълумотларини ўчириш учун илмий статус маълумотлари шаклланган ўқитувчилар рўйхатидан ўқитувчини танланади ва пайдо бўлган тахрирлаш ойнасидан **O'chirish** тугмаси босилади (2-расм).